



# ИШЛОВЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 ноябр, жума № 179 (1193)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан шу йил 16-17 ноябр кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

### Расмий ташриф арафасида

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Қозоғистон - Ўзбекистоннинг азалий қўшниси. Бу мамлакатнинг савоатли халқи хамиша биз билан елкадош бўлиб келган. Утмишнинг оқу қора кунларини икки мамлакат халқи ёнма-ён бошдан кечирган. Истиқлол замонида ҳам азалий биродарлик муносабатлари ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида фақат мустаҳкамланиш томон интиломда.

Тарих, тил, дин битталиги, маданият ва урф-одатлар муштараклиги ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги муносабатларда ўзининг аниқ аксини топган. Ўзбекининг улкан адиблари қозоқнинг йирик оқинлари билан қалин дўстлик ришталарини боғлаган. Олимларимиз олимлар билан, буюғини сўрасангиз, деҳқонларимиз деҳқонлар билан бирга-бирга ишлаган. Айни кунларда ишбилармонларимиз тужжорларимиз ҳам ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Албатта, икки мамлакат Президентларининг ўзаро муносабати ҳам юксак даражада ривожланган. Шу омишлар боис, Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг кўпгина дунёвий ва минтақавий масалаларга муносабати бир-бирига жуда яқин.

Икки мамлакат ўртасида давлат раҳбарлари, ҳукумат вакиллари, ишбилармонлар, маданият арбоблари, спортчилар, кўплаб бошқа соҳалар вакилларининг мунтазам борди-келдилари кенг йўлга қўйилган. Сиёсий-иқтисодий муносабатлар яхши раванқ топгани боис долзарб масалаларга дарҳол эътибор қаратилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади. Утган йили чегара хизматлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш ҳақида ҳужжат қабул қилинди. Хафсизлик масаласи кун тартибидан энг долзарб муаммага айланган ҳозирги шароитда бу ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаш ортиқча.

Утган йили Қозоғистон раҳбари амалий ташриф билан Тошкентга келганида, икки давлат Президентлари Қўшма баёнот қабул қилиб, мамлакатларимиз халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-ярғок контрабандаси ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашни билдирди. Шу тариқа гўёки Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегарани белгилаш борасида жиддий муаммолар юзага келмаётгани ҳақидаги асоссиз миш-мишларга барҳам берилди.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар асосини «Ягона

иқтисодий макон тузиш тўғрисидаги шартнома» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида эркин савдо тўғрисидаги битим»га асосланади ва иқтисодий соҳага оид ундан ортиқ ҳужжат билан мувофиқлаштирилиб боради.

1997 йилда асос солинган икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия мунтазам равишда мажлис ўтказиб, йиғилиб қолган масалаларни ҳал қилиб келади. Комиссиянинг сўнгги мажлиси шу йил 12 ноябр кун Остонада бўлиб ўтди. Унда савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш, божхона, ўзаро тўловлар, транспорт ва коммуникацияга оид масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2000 йилда 316,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1999 йилдагидан 15 фоиз юқоридир. Жорий йилнинг тўққиз ойида эса ўзаро савдо ҳажми 204,3 миллион долларни ташкил этди. Мутахассислар йил охирига бориб, у қарийб икки баробар ошишини башорат қилмоқда.

Мамлакатимизда қозоғистонлик ишбилармонлар сармоси иштирокида ташкил этилган 47 корхона мавжуд. Уларнинг қирққа яқини қўшма маблағлар, қолганлари эса тўлалигича Қозоғистон сармоси билан ташкил топган. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Қозоғистондаги 9 фирманинг ваколатхонаси қайд қилинган. Улар орасида йўловчи ва юк ташиш, транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи «Эйр Қазақстан», «Транссистема», «Трансойл» каби фирмалар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, дори-дармон ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар бор.

Президент Ислам Каримовнинг 16 ноябр кун Қозоғистонга бошланган расмий сафари чоғида икки мамлакат ўртасида қатор қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган. Улар ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқади, деб ишонч билан айтиш мумкин. Негаки Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари хамиша очик мулоқот юритиб, ўзларини қизиқтирган ҳар бир масалани атрофлича муҳокама қилиб, икки томон манфаатига бирдек мос келадиган қарорлар қабул қилган. Бу сафар ҳам ана шу хайрли анъана давом эттирилишига шубҳа йўқ.

Анвар БОБОЕВ, (ЎЗА) шарҳловчиси.



### МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ

Олтириқ туманидаги Ҳамза шаҳрида жойлашган «Демо» хусусий фирмаси Асака банки бўлимидан 10 миллион сўм кредит олиб, фаолият бошлаган. Айни кунларда ушбу фирмада ойига 3 миллион сўм атрофида ишловчилар учун махсус кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги, меҳнат юксак даражада қадрланаётганлиги ютуқлар омили бўлмоқда.

Суратларда: мохир тикувчилар Хурсаной Юнусова (чапда) ҳамда Одина Шодиева.

М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Конституцияси, мана тўққиз йилдирки, Ватанимизнинг тараққиёти, халқимизнинг ҳуқуқий, маданий, маънавий камолотининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қонунимиз дунёдаги энг демократик, адолатли Конституциялардан бири сифатида нафақат мамлакатимизда, балки халқаро экспертлар томонидан ҳам тўла эътироф этилган. Уни ўрганиш, унга риоя этиб яшаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Шу боис 2001 йилнинг январида Президентимиз Ислам Каримов Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида махсус Фармойиш қабул қилди. Айни пайт-

да бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни кенг нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши қабул қилинди. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунни кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларига 8 декабр - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни жойларда муносиб нишонлаш, маданий-маърифий тадбирлар белгилаш, байрамнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш борасида зарур топшириқлар берилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди. (ЎЗА)

### ФАРҒОНАНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ

Фарғона шаҳрида янги бозор қурилиши бошланди. Вилоят бозорлар уюшмаси ва тадбиркорлар сармоси томонидан барпо этилаётган янги бозор учун 19,5 гектар майдон ажратилди. Ундан буюм бозори, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари расталари, замонавий «Супермаркет», икита миллий чойхона, меҳмонхона, банк, солиқ хизмати, лаборатория шохобчалари, юк сақлаш омиборлари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари жой олади. Бозорнинг биринчи навбати Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

### «АЛЛО, МАРҒИЛОНМИ?»

Қўқон ва Марғилон шаҳар аҳолиси замонавий алоқа хизматидан фойдаланмаган бўлди. Бу ерда «Коском» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси «Коском Водий» уяли алоқа хизматининг шаҳар филиаллари иш бошлади. Ҳозирча қулайликдан мингдан ортиқ миқоз фойдаланиш имконига эга.

### Ёмон юрган ерида ўт қўяди элига!..

Бува қизишиб кетганини фаҳмлаб, чойдан бир хўплади. — Хўш, яна қандай янгиликлар бор?

### Ҳаётини лавҳалар

Афғон тупроғида ётган улуг-улуг зотларнинг руҳи ғазабга олмайди уларни? — Эзишларича, толиблар АҚШнинг афғон халқига ёрдам учун юборган озиқ-овқатини захарлаб, айбни Америкага тўнкашяпти, юборилган дондунни эса тортиб олишяпти экан. — Ана разиллик! Улардан ҳар балони — талончиликниям, қароқчиликниям, тухмат-бўхтонниям кутса бўлади. Ярамас бўлмаса ўз халқини таллайдими? Ўз ватандошларини сарсон-саргардон қилдириб қўйиб, яна унинг ризқига чанг соладими?! Одамларнинг оқ-фигони, кўз ёшлари, қарғишлари тутмайди уларни гирибонданми?

Ман, жиян: дунё ҳамжамияти террорчиликни маҳв этишга бел боғлади. Йиртқични уюсида янчишяпти. Иншоолло, ёвузларнинг хону-монини яқсон қилиб, уругини қуритгай. Кўп ўтмай олам ўша кўрнамаклардан ҳам, бошқа иллатлардан ҳам поклангай. Бунга энди ҳеч қандай шубҳа йўқ. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Бува чиқиб кетди. Лекин анча вақтгача унинг даргазаб қиёфаси, ишонч билан айтган сўнгги сўзлари мени ҳаяжон ичра тутиб турарди. Афғонистондаги воқеалардан, барча софидил кишилар сингари у ҳам бир ўзбек фуқароси сифатида жиғийрон эди... Мухаммадjon АБДУКАРИМОВ.

Кўшнимиз Салимбува кейинги вақтларда андак тажандрок бўлиб қолганини ҳисобга олмаганда, бағрикенг, хушфелл одам. Тошкентда 16 феврал воқеалари юз бергандан бошлаб, яқин-қилларгача қимилларини даъватлаб ўзини кўрага жой тополмай юрганди. 11 сентябрда Америкада рўй берган мудҳиш фожиадан бери эса ўзига келолмайди.

«Ойнаи жаҳон» орқали Афғонистон воқеаларидан хабардор бўлиб турса ҳам, кечки пайт албатта бизникига чиқади: — Хўш, газеталарда нима гап жиян? — Терроризмга қарши кураш ҳақида сўрамоқчимисиз? — Ҳой, жиян, қўй изм-изм қурғурингни! Ўша фашизм, экстремизм, балоизмнинг ҳаммасиям - бир гўр! Жўнгина қилиб ёвузлар де, қабиҳлар де! — Мен газеталарга қайта кўз югуртираман, бувабон янгиликлардан топиб, ўқиб бераман: — Мана бу газетада ўша Син айтган иблисларнинг бошлиғи Усама Бин Лодиннинг насл-насабию, ҳаёт йўли ҳақида ёзишди.

## ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА

— Хўш-хўш? — Асли Яман мамлакатидан бўлиб, отаси оқ қилгандан кейин Саудия Арабистонига паноҳ излаб борган экан. У ердан ҳам қувгинга ураб Судан мамлакатига жўнабди. Суданликлар ўзи унинг бузғунчилигини пайқаб, ҳайдаб солишгач Афғонистонга келиб, «толиб»лар билан топишибди. — Айтувдим-а, ҳойнаҳой бир ватангадо, оқпадар бўлса керак деб. Демак, Афғонистонда ўзи сингари разил, ватанфуруш толибон раҳбарлари билан оғиз бурун ўпишиб қолган экан.

— Эзишларича, толиблар АҚШнинг афғон халқига ёрдам учун юборган озиқ-овқатини захарлаб, айбни Америкага тўнкашяпти, юборилган дондунни эса тортиб олишяпти экан. — Ана разиллик! Улардан ҳар балони — талончиликниям, қароқчиликниям, тухмат-бўхтонниям кутса бўлади. Ярамас бўлмаса ўз халқини таллайдими? Ўз ватандошларини сарсон-саргардон қилдириб қўйиб, яна унинг ризқига чанг соладими?! Одамларнинг оқ-фигони, кўз ёшлари, қарғишлари тутмайди уларни гирибонданми?

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Буюк Британияда ИШСИЗЛИК. Меҳнат бозори нисбатан барқарор ҳисобланган Буюк Британияда сўнгги ўн йилда биринчи марта ишсизлик ортиб кетди. Шарҳловчиларнинг фикрича, бу иқтисодий ривожланишнинг кенг қўламада пайсишидан далолатдир. Янги аср бошдан буюн ишсизлар сони 100 минг кишига ортди ва октябр ойида ишсизлик учун нафақа олувчилар 4300 нафарни ташкил қилди ва умуман бу тоифа кишилар сони 951 мингга етди.

### УЧ ОЙЛИК УКУБАТДАН СЎНГ

Инсонпарварлик ташкилотларининг толиблар томонидан ушлаб турилган саккиз ҳодими уч ойлик азоб-уқубатлардан сўнг, ниҳоят озод қилинди. АҚШ, Австрали ва Германия фуқаролари бўлмиш маҳбуслар озодликка чиқарилган. Американинг уч ҳарбий вертолётда Афғонистондан Покистонга олиб келинди. Улар айни пайтда ўз давлатлари элчи-хонасида турибдилар. Озод қилинганлардан бири — АҚШ фуқароси Георг Таубманнинг айтишича, маҳбуслар ушлаб турилган Ғазна шаҳрида толибларга қарши ғалаёнлар бошланган, уларни эса Шимолий Иттифоқ жангчилари озод қилишган.

### ЧИЗМАЛАР ЁНМАЙДИ

Бутун дунё афкор оммаси қаҳр-ғазабига дучор бўлган «Ал-Қоида»нинг Қобулдаги офисидан ядро бомбаси тасвири ва схемаси топилди. Британиянинг «The Times» газетасининг хабарига қараганда, халқаро террорчи ташкилот «Ал-Қоида» ихтиёрида ядро бомбаси яратиш учун зарур чизма мавжуд бўлган. Чала ёнган ҳужжатлар араб, немис, инглиз ва урду тилларида битилган бўлиб, уларда ракета қурилмаси, бомба ва ядро зарядларининг муфассал тасвифи келтирилган. Шундай қилиб, Америка президенти, маъмурият вакилларининг «Ал-Қоида» террорчи ташкилоти кимёвий, биологик ва ядро қуролларига эгалик қилиш учун ҳеч нарсадан тап тормаслиги тўғрисидаги оғохлантиришлари тўғри бўлиб чиқди.

### ТЕРРОРЧИЛАР ҲАРБИЙ ТРИБУНАЛГА ТОПШИРИЛАДИ

АҚШ президенти Жорж Буш тарихий фармонга имзо чекди: эндиликда террорчиликда айбланган шахслар иши фуқаролик судида эмас, ҳарбий трибуналда қўрилади. Оқ уй адвокати Альберт Гонсалеснинг айтишича, АҚШ мудофаа вазири тез орада махсус трибунални ташкил этиши лозим. Маълумки, 11 сентябр воқеалари муносабати билан айни дамда мингдан зиёд киши ҳибсга олинган.

### МОТОР ПАНД БЕРДИ

Кеча Хитойнинг шимоли-шарқда автобусда чиққан ёнғин туфайли 12 киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Хабар қилишларича, ёнғин тунда, йўловчилар ухлаб ётганларида мотордаги носозлик оқибатида содир бўлган. Йўловчилардан етти кишини фожеа четлаб ўтган, аммо улардан бири жиддий жароҳат олган.

### ҒАРОЙИБ ТОМОША

Яқин кунлар ичида Ерга саргузашт асарларида ҳам таърифланмаган ғаройиб «ёмғир» ёғиши кутилмоқда. У метеорит ёмғиридир. Мутахассисларнинг башоратида қараганда, ушбу ажойиб воқеа авжи палласида ерга «кулаётган» минг минглаб юлдузларни кўришимиз мумкин. Тинч океан хавзаси, Америка ва Осиё қитъалари кузатиш учун энг қулай жой деб тахмин қилинмоқда. Фақат бундан ваҳимага тушишини кераги йўқ. Чунки бу метеоритлар аслида метеорит эмас, шунчаки ёруғ чанглардир. (Интернет тармоғи хабарлари асосида тайёрланди)

**«Зарафшон» ширкати иқтисодий жиҳатдан бақувват ҳўжаликлардан. Меҳнат жамоаси ҳар йили қишлоқ ҳўжалик маҳсуотлари тайёрлаш шартнома режаларини ошириб бажариб келмоқда.**

**Кўлга киритилаётган ютуқларнинг бош омилли меҳнатчиларга қулай иш ва дам олиш шароити яратиб берилаётганлигидир. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ишчиларга қулай шароитлар яратиш бўйича маъмурият ва касаба уюшма кўмитасининг тажрибасини маъқуллаб, Бухоро вилояти ҳўжаликларига ёйишга қарор қилди.**

«Зарафшон»да 2500 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси ишлади. Маъмурият касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда деҳқонлар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган қатор ишларни амалга оширмоқда. Жамоа шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар тўлиқ бажарилишига эришилаётган.

сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳўжалик ҳудудидаги мактабга тарбия муассасаларида 4-5 ёшдаги болалар учун инглиз ва француз тилларини ўргатувчи синфлар очилган. Илм ўчоқларида 50 нафарга

**Касаба уюшмалари бозор шароитида**

га эътибор оширилса, ўша жойда ютуқлар кўпаяди. Буни 130 нафар механизатор, 29 автомашина ҳайдовчиси, 4 нафар чилангар ва бошқа касб эгаларига кўрсатилган телемехр-оқибатдан ҳам билиш мумкин. Шунинг учун ҳам кейинги ўн йил мобайнида техника билан боғлиқ биронта бахтсиз ҳодиса рўй бермади.

Бултур меҳнатни муҳофаза қилишга 200 миң сўм сарфланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 250 миң сўмни ташкил этди.

матлигини муҳофаза қилиш доимий эътиборда. Қишлоқ шифокорлик шохобчаси, ҳаммом, ҳордиқ хоналари бор. Дам олувчилар чой ичиб, шахмат-шашка ўйнайдилар, телевизор кўриб, газетажурналларнинг янги сонлари билан танишадилар, спорт билан шуғулланишадилар.

Қишлоқ ҳўжалигида тунда ишлайдиганлар учун маҳсуот ётоқхона ташкил этилиб, керакли анжомлар билан жиҳозланган. Ишловчиларга ҳўжалик ҳисобидан бепул иссиқ овқат берилади.

Ҳўжалик марказида янги бозор очилиб, фойдаланишга топширилди. Савдо дўконлари, коммунал, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди.

Касаба уюшма кўмитаси меҳнат кишиси атрофида парвона бўлишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, бу йил 10 нафар жамоа аъзоси бепул йўлланмалар билан сиҳаттоҳларга, 200 нафари эса саёҳатларга бориб келишди.

Умуман, ҳўжалик бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун 2 миллион сўмлик маблағ сарфлангани бу соҳада амалга оширилган тадбирлар кўламини белгилаб берса керак. Шунинг учун ҳам меҳнат жамоаси Фиждудов туманидаги илгор ҳўжаликлари сафидан ўрин олган, десак муболага бўлмас.


**А.АШУРОВ,**  
**«Зарафшон» ширкат ҳўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси.**



**Юртимизда етиштирилаётган пахта хом ашёсига хорижий элларда ҳамisha талаб катта. Бағдод туманидаги Бағдод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти янги ҳосилдан олинган дастлабки толаларни Россия, Сингапур, Швейцария, АҚШ сингари мамлакатларга экспорт қилмоқда.**

**Суратларда: сифат лабораторияси ходимлари Гулчехра Эгамова ва Отабек Самадов; тайёр маҳсулот экспортга жўнатилмоқда.**

**Ш.ОЛИМОВ**  
**(ЎЗА) олган суратлар.**



**Жамоада**

**Маънавий муҳит**

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномалари ва келишувларнинг бажарилишини таъминлашда ҳўжаликлар маъмуриятлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Қишлоқ ҳўжалик ширкатимизда меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, ходимларнинг топширилган ишга нисбатан масъулиятни ошмоқда. Яқдиллик ва аҳиллик, талабчанлик вазиёти вуқудга келтирилган.

Маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши таъминланаётган. Бунинг натижасида жамоада маҳсулот тайёрлаш режалари бажарилиб, ялпи даромад кўпаймоқда.

**КАЙФИЯТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ**

Бу йил галладан 1357 тонна кирмон кўтарилди. Ҳосилдорлики 40 центнердан оширган ижарачиларга 44 тонна галла тарқатилди. Имом Равшанов, Жаҳон Нийёзов, Жуманазар Кенжаев, Худоёр Кодиров каби ижарачилар муқофот тарихида 1 тоннадан 7 тоннагача дон олдилар. Галлачиликдан 2 миллион сўм соф фойда кўрилди.

Пахта тайёрлаш йиллик режасини туманда биринчилик каторида бажардик. Пахтакорларимиз тайёрлов ташкилотларига 1800 тонна хом ашё етказиб бердилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнердан ошди.

Пахтачиликнинг ўзидан 203 миллион сўм даромад олинди. Шундан 50 миллион сўмини соф фойда ташкил этди. Бу маблағ қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, иш ҳақини ошириш ва муқофот учун сарфланади. Ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантиришга эътибор оширилмоқда. Хар гектар майдондан 58 центнердан ҳосил олган Обид Тўраев зеноси гилам билан, Эшмурод Ўткиров, Фарҳод Сафаров, Норбута Қўзиёев каби илгор ижарачилар 10 миң сўмдан пул муқофоти билан тақдирландилар.

Ҳўжалик ҳудудида яшовчи 13 та кам даромадли оилга дон, гўшт, ўсимлик мойи ва бошқа маҳсулотлар берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича жамоа келишувиде кўрсатилган бандлар ҳам бажарилди. Маъмурият ва касаба уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида йўл вазифаларига қайта тикландилар.

Касаба уюшмалари ҳозирги кунда жойлардаги меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат бозоридеги аҳволни мўтадиллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

**Иззат ҲИҚМАТ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

**ИШЛОВЧИНИНГ ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ**  
**ундан бохабармисиз?**

қисми иш шароитларини яхшилашга, ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

Яхши яшаш манбаи нимада? Аввало, самарали меҳнат, мўл ҳосил ва яхши даромадда. Буни ҳўжалигимиз меҳнатчиларни тўғри тушунишди. Шу туғайли қатор йиллардан бери барча соҳаларда шартномавий режалар ошириб урдаланаётган. Даромад ҳам шунга яраша. Масалан, бу йил галлачиликдан 35 миллион сўмдан зиёд даромад олинди. Пахтачиликдан эса 160 миллион сўм атрофида фойда кўриш кутилмоқда. Бундан деҳқонларимиз ҳар тарафлама манфаатдор бўлишди.

Ҳақиқатан ҳам оқоридаги фикрларни тасдиқлайдиган мисоллар жуда кўп. Ҳўжаликнинг О.Мингбоева бошлиқ пудратчилари 2 гектар ерда пахта етиштириб, 800 миң сўм даромад қилишди. Шунинг чорак қисми уларга терим вақтида тўланди. Пудратчи М.Мамадиёрова звеносида ҳўжалик даромади ҳисобидан сув, газ, электр таъминоти

номамизда бир қатор имтиёзлар, қўшимча кафолатлар белгиланган. Бундан ҳар бир кишининг эҳтиёжи, зарурати ҳисобга олинган. Шу мақсадда барча ишловчиларнинг оилавий шароитига оид маълумотларни жамлаганмиз. Бундан ташқари вақти-вақти билан одамларнинг тақлифларини ўрганамиз. Бу эса қайси масалаларни тезроқ ҳал этиш лозимлигига имкон беради. Хусусан, шунга кўра ҳозир қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш, маданият, спорт тадбирларига эътибор кучайди. Маҳаллаларда маънавий-маърифат, хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилмоқда.

Оқилона бошқарув, мақсадли меҳнат, кучли ижтимоий ҳимоя ҳўжалик иқтисодийтини мустаҳкамлаб, меҳнатчилар турмуш фаровонлигига замин яратяпти.

**Улуғбек ЭШҚОРАЕВ,**  
**Пахтачи туманидаги «Деҳқонобод» ширкат ҳўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси.**

**«ЗАРАФШОН» ТАЖРИБАСИ**  
**кенг оммалашмоқда**

яқин ўғил-қиз хорижий тилларни ўрганаётган. Уларга малакали ўқитувчилар дарс бермоқда. Ибратли томони — муаллимларнинг оилалик маошлари ҳўжалик ҳисобидан тўланаётган.

Илгор механизаторларнинг 12 нафарига электр энергияси ва газ учун тўловлар ҳўжалик ҳисобидан қопланаётган. 2 ёшдан 3 ёшгача боласи бор 22 нафар онага 323 миң сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолига 50 тонна буғдой ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари берилди. Қишлоқларда яшовчи 18 ногирон, 36 нафар нафақахўр 300 миң сўмлик маблағ билан моддий қўллаб-қувватланди. Қаерда ишловчилар-

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни бошқарув ва касаба уюшма фаолияти учун асосий дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Машина-трактор саройининг дам олиш хонасида телевизор, видеомагнитофон, турли хилдаги бадий ва техника хавфсизлиги оид йўриқномалар, кўрғазмали қуроллар мажмуи. Меҳнат муҳофазасига бағишланган суҳбатлар уюштирилиб, ишчилар аттестациядан ўтказиб борилади. Тегишли ишловчилар маҳсуот кийим-кечак, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланган.

Фуқароларнинг сало-

**ИККИ ТОМОН УЧУН ФОЙДАЛИ**

Ўзбекистон ва Корея ўртасида ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати мамлакатимизга қиймати 1,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган асбоб-ускунани етказиб беради.

Яқинда Корея Республикасининг ташқи ишлар ва савдо вазирликлари, шу-

нингдек, Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги /KOICA/ вакилларидан иборат делегация Тошкентга ташқи масалани муҳокама этиш учун ташриф буюрди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Фақуллодада вазирлар вазирликлари раҳбарлари билан учрашди. Музокаралар давомида республикамизга биринчи тиббий ёр-

дам кўрсатиш анжомлари билан жиҳозланган тез ёрдам машиналари, транспорт воситалари, одис ускуналарини етказиб беришга қарор қилинди.

Корея Республикаси элчихонасининг матбуот хизмати хабарига кўра, ушбу асбоб-ускуналар Ўзбекистонга KOICA агентлиги орқали етказиб берилади. **(ЎЗА).**

Мамлакатимизда аҳолини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш - жиддий эътиборда. Бу борадаги ҳайрли ишларга нодавлат жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

**ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДА «КИДИРУВ» ХИЗМАТИ**

Айтиш жоизки, ёлғиз қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган болалар, кам таъминланган оилаларга тиббий, ижтимоий хизмат кўрсатиш каби ишлар жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 116 та тиббий-ижтимоий марказнинг бош мақсади ҳам ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Улар саккиз миң нафардан зиёд ёлғиз қария ва ногиронни ўз қарамоғига олган. Бу борада жамият кўнгилчилари, айниқса, жонбозлик кўрсатмоқда.

Жамият ҳузурида «Кидирув» хизмати самарали фаолият кўрсатяпти. Ушбу хизмат мустабид тузум даврида қатагон этилганлар, иккинчи жаҳон уруши даврида яқинларидан айрилганлар ҳақида маълумот тўплаш билан машғул.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг тиббий-ижтимоий марказлари ходимлари учун ташкил этилган семинар-кенгашда ана шу ҳақда сўз борди. Унда ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий марказлар ишини, ёлғиз қариялар ва ногиронларга хизмат кўрсатишини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди. **(ЎЗА)**

**Касаба уюшмалари фуқароларнинг Конституцияда кўрсатилган меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ва самарали бандликка бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун шарт-шароит яратишда давлат органларига қўмаклашадилар.**

Сурхондарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат миграциясини рағбатлантириш, қичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тадбиркорлик ва фермерликни йўлга қўйиш соҳасида кўп иш қилинмоқда.

Шу йилнинг сентябр ойида вилоят ҳокими «2001 йил иккинчи ярим йилликка мўлжалланган ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш вилоят дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш, ўрта ва кичик бизнес субъектларини ташкил қилиш ҳисобига иш ўринларини кўпайтириш, касбага тайёрлаш ва қайта ўқитишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Вилоят касаба уюшмалари ҳам меҳнат бозоридеги жараёни тар-

тибга солиб туриш, мавжуд меҳнат салоҳиятини сақлаб қолиш ва «Бандлик» дастурини амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар. Асосий эътибор ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг иш шароитлари ва оилавий аҳволини яхшилашга қаратилган.

— Янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастурининг бажарилиши ҳар чоракда таҳлил этиб бо-

содиётнинг турли соҳаларида фойдали меҳнат билан банд.

Вақтинча иш билан банд бўлмаганлар 34,6 миң нафарни ташкил қилади.

Дастурда бу йил 49 миң 906 киши меҳнат бозорига қиши рағбатлантирилган. Бунинг учун 21759 та янги иш ўринлари яратилиши керак. Ушбу мақсадларга 13056,3 миң сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Жумладан, вилоят марказида «Термизсут» қўшма корхонаси, Деновда спиртли ичимликлар, кунгабоқар ёғи ва қандолат маҳсулотлари ишлаб

чиқариш цехи, Жарқўргонда «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қўшма корхона, Қизилқум маъданли сув ишлаб чиқариш линияси, Қумқўргонда «Диёр» кўп тармоқли албастр тайёрлайдиган хусусий корхона, Музработда терини қайта ишлайдиган ва полизтилен плёнкасини ишлаб чиқарадиган, Шўрчида консерва цехи каби ўнлаб янги корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган.

Йилнинг ўтган ойларида жойлардаги меҳнат бўлимларига мурожаат қилган фуқаролардан 10508 нафари ишга жой-

лаштирилди. 374 киши малакаси оширилиб қайта тайёрланди. 3259 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат юмушларига юборилди. 176 таси мугдатидан олдин нафақага чиқарилди. Айна пайтда корхона ва ташкилотлардаги бўш ўринлар 1291 тани ташкил этади.

Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ тадбиркорлик тизимида 27 миңта янги иш ўрни яратилди. Бу иш ўринларининг 25416 таси нодавлат сектори улушига тўғри келади.

Шунга қарамасдан, Қумқўргон, Денов, Узун, Бандихон, Олтинсой ва Ангор туманларида дастурнинг бажарилиши таъминлашга жавоб берадиган, белгиланганидан анча кам иш ўринлари яратилган.

**Бандлик дастури амалда**

ди. Аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жағмараси маблағларидан 361,9 миллион, «Бизнес фонд»дан 80,2 миллион, деҳқон-фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш жағмараси ҳисобидан эса 21 миллион сўм сарфланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозоридега тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун 3236 та иш ўринлари очилиб, 2418 нафар

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи А.Мавлонов. — Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси томонидан 320 марта текшириш ўтказилиб, амалдаги қонунларнинг бузилишига йўл қўйган 131 нафар мансабдор шахсга 1084,9 миң сўм маъмурий жарималар қўлланилди. Биргина Сароисийё пахта саноат очик ҳиссадорлик жамиятидан ҳўжалик судининг қарори билан 1609,2 миң сўм молиявий жарима ундирилди.

Фуқароларнинг ариза ишлаш яхши йўлга қўйилган. Бошқармага тушган 108 та аризадан 104 таси қаноатлантирилди. Жумладан, «Сурхондарёсавдо» акционерлик компанияси ходимаси А.Александрова, Термиз тумани йўл ва алоқа сигналлаштириш корхонаси ишчиси Р.Беккуловларнинг ноқонуний ишдан бўшатишнинг йўлини йўлга қўйишга қайта тикландилар.

Касаба уюшмалари ҳозирги кунда жойлардаги меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат бозоридеги аҳволни мўтадиллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

**Иззат ҲИҚМАТ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

**КАСБГА ТАЙЁРЛАШ**  
**ва қайта ўқитиш**

рилаяпти, — дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг раиси А.Аҳмедов. — Халқ ҳўжалиги тармоқларида вуқудга келган вазият ҳисобга олиниб, ўз ечимини топмаган масалалар бўйича вилоят ҳокимлигига аниқ тақлифлар киритилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Қилич Каримовнинг сўзларига қараганда, вилоят аҳолиси йил бошидан бери 37,1 миң кишига кўпайган. Воҳада меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг 628,6 миң нафари иқти-

чиқариш цехи, Жарқўргонда «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қўшма корхона, Қизилқум маъданли сув ишлаб чиқариш линияси, Қумқўргонда «Диёр» кўп тармоқли албастр тайёрлайдиган хусусий корхона, Музработда терини қайта ишлайдиган ва полизтилен плёнкасини ишлаб чиқарадиган, Шўрчида консерва цехи каби ўнлаб янги корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш эвазига 18480 та янги иш ўринлари очилган бўлса, унинг 7487 таси яқка тадбиркорлар, 3143 таси деҳқон ва 4318 таси фермер ҳўжаликларида яратилди.

Барча манбалар ҳисобидан янги иш ўринлари учун 8334,4 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Киши ишга жойлаштирилди. Термиз шаҳри ва туманларда бўш иш жойлари ярмаркалари ўтказилиб, унда қатнашган фуқаролардан 1383 таси иш билан таъминланди. Аёллар томонидан бошқарилаётган 30 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари орқали 85,5 миллион сўм ажратилиб, янгитдан 239 та иш жойи ташкил қилинди.

**Иззат ҲИҚМАТ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

TV 19-25 ноябр ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомоабилар диққатига! Профилактика мусобаботи билан...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ

21.00 «Время».

21.35 «ТВ-4 да Немис тўлкини».

СЕШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 Рамазон тўхфаси. 5.50 «Кўёшли улкам».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ

содир бўлган воқеа».

ЧОРШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 Рамазон тўхфаси. 5.50 «Дуппи».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ

кўрсатуви.

ПАЙШАНБА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 Рамазон тўхфаси. 5.50 «Сарчамша».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ

21.35 «Соккер-клуб».

ЖУМА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 Рамазон тўхфаси. 5.50 «Тошкент».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ

21.35 «Дурдаршан».

ШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 Рамазон тўхфаси. 5.50 «Хонобод».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ

ЯКШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 Рамазон тўхфаси. 5.50 «Симлиқлар дунёси».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Кайфият».

**Шонли тарихимизда шавкатли баҳодирлар, мард ва фидойи Ватан ҳимоятчилари кўп ўтган. Улар кўрсатган қаҳрамонликлар, матонат ва жасоратлар асрлар давомида тилдан-тилга, китобдан-китобга кўчиб, халқ ўртасида афсонага айланиб кетган.**

Бундай қаҳрамонлар шоиру олимлар, шайху сўфийлар орасидан ҳам кўп чиққан. Тасаввуфдаги машхур кубравия тариқатининг асосчиси, шайхи валитарош — валилар тарбияладиган шайх номи билан муслмон оламида шухрат қозонган Шайх Нажмиддин Кубронинг афсонаю ривоятларга кўмилган қаҳрамонлиги фикримизнинг исботидир. Ўзида футувват ва тариқатнинг энг олий талабларини мужасамлаштирган буюк бобокалонимиз ватанпарварликнинг юксак намунасини кўрсатиб, мана, неча асрлар мобайнида тилларда дoston бўлиб келаяпти.

Хоразмни истило қилишдан аввал Чингизхон донги ўз ватанидан узоқ-узоқларга ҳам ёйилган улуг шайхга илтимос билан элчи йўллайди:

# ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО ЖАСОРАТИ

«Мен Хоразмни қатл... қилмоқчиман. Сиз оила аъзоларингиз билан шаҳарни тарк этиб, хоҳлаган томонингизга кетишингиз мумкин». Ватанларвар Шайх унга шундай жавоб қайтаради: «Менин 75 йиллик умрим шу тупроқда кечди. Шу халқ билан бирга ҳаётнинг бутун аччиқ-чучуғини тотдим. Энди унинг бошига оғир кун тушганда ташлаб кетиш мардликдан эмас!»

Нажмиддин Кубронинг ҳиммат ва мурувати шу қадар буюки, бошқа ўлкалардан келган муридларининг беғона тупроқда ўлиб кетишларини истамайди. Уларни туғилган юртларига жўнатиб, ўзи шаҳарни мудофаа

қилишга отланади. Шогирдларининг бирга кетиш тўғрисидаги таклифларига жавобан: «Мен шу ерда шаҳид бўламан. Менга

## Тарихдан сабоқлар

учун ибрат намунасига айланди. Шундай мард инсонларнинг авлоди эканлиги билан

жипс бўлса, бир-бирига ёрдам берса, ҳеч ким ўз жонини аямаса, уни ҳеч қандай ёвуз куч маҳв этолмаслиги ҳақидаги ҳаётий ва тарихий ҳақиқат ўз аксини топганлиги билан диққатга сазовордир.

Ҳадиси шарифда: «Ватанни севмоқ иймондандир», — дейилади. Нажмиддин Кубро ислом аҳкомлари ва тасаввуф талабларини халқ ўртасида назарий жиҳатдан тарғиб-ташвиқ қилиш билангина кифояланмай, ўзининг мардона хатти-ҳаракати билан уни амалда ҳам кўрсатди. Биз ана шундай сўзи ва иши бир аждодларнинг вориси эканлигимиз билан ҳамisha, ҳамма жойда фахрланишимиз ва уларга муносиб бўлишга интилишимиз керак. Зеро, халқ ана шундай қаҳрамонларга эргашиши ва уларнинг номини хотираида мангу сақлайди.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**  
филмовий номзоди.

**Шу йилнинг 23 ноябидан 2 декабригача Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Италия киноси кунлари ўтказилади.**

## ТОШКЕНТА ИТАЛИЯ КИНОСИ

Ўзбекистонда Италия киноси кунларини ўтказиш аниёнага айланиб бормоқда, — деди Италиянинг Ўзбекистондаги Факултетада ва Мухтор элчиси жаноб Леополдо Ферри де Ладзара журналистлар билан учрашувда.

Ушбу тадбир «Ўзбекино» акциядорлик компанияси ҳамда Cinecitta Holding компаниялари билан ҳамкорликда ўтказилляпти. Бу йил биз ўзбекистонлик томошабинлар ҳукмига учта янги филмни тақдим этмоқчимиз. Мазкур филмлар ўтган асрнинг 90-йилларида яратилган бўлиб, Европада катта муваффақият қозонган.

Янги филмлар Санъат саройининг катта залида аслият тилида ва таржимада, ретроспектив филмлар эса кичик залда намойиш этилади.

## ПЎЛКАН ШОИР ЖАМҒАРМАСИ

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида Пўлкан шоир жамғармаси ташкил этилди. Унга фольклоршунос олим, кекса педагог Ҳамид Мавлонов раҳбарлик қилмоқда. Халқимиз бахши шоир ўланлари, дostonларини яхши билади. Айни пайтда Пўлкан шоир ижодини ўрганиш давом этмоқда.

Жамғарманинг асосий мақсади Пўлкан шоир ижодини тарғиб этиш ва ёш бахшиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат, — дейди Ҳ.Мавлонов.

## ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Инсон ҳамиша табиат мўъжизалари, наботот ва ҳайвонот оламидан заҳво олиб яшайди, уни асраб-авайлайди.

Тошкент ҳайвонот боғи шундай масканлардан бири. Сирли оламнинг турфа хил жонзотларини томоша қилиб, баҳра олиш учун бу ерга ҳар қуни юзлаб одамлар келади. Айниқса, мактаб ўқувчилари таътилда ҳайвонот боғи гоият гавжум бўлади.

Янги ҳайвонот боғи 1997 йилда ташкил этилган, — дейди унинг директор ўринбосари А.Ирисметов. — Дастлаб бу ерда 85 турдаги жониворлар сақланган бўлса, ҳозир 400 хилдан ортиқ ҳайвон ва парранда парваришда. Тошкент ҳайвонот боғи Европа ва Осиё ҳайвонот боғлари ҳамда аквариумлари уюшмасига аъзо.

Шуни айтиш жоизки, бу ерда жониворлар катта меҳр билан парваришланмоқда. Зоотехник ва ветеринарларимиз, айниқса, ноёб ҳайвонлардан насл олишда яхши натижага эришяпти.

Ҳайвонот боғида яқинда улкан аквариум очилди. Унда Австралия, Африка, Осиё ва Европа мамлакатларидан келтирилган ноёб денгиз ва океан жонзотлари сақланмоқда. Шу боис боққа келаятган томошабинлар сони ҳам кескин кўпайиб бормоқда.

(ЎЗА).

## Футбол

**Ўзбек футболининг юлдузли онлари ҳақида гап очилса, мухлислар 1994 йилни, Осиё ўйинларини доирасида ўтказилган футбол мусобақаларини ёлға олишяпти.**

Ушанда унчалик ҳам таниш бўлмаган жамоа — Ўзбекистон термаси барчани ҳайратга солиб, гуруҳ бахсларида ҳам, ундан кейинги «ютказган чиқиш кетар» матчларида ҳам кетма-кет зафар кучиб, чемпионлик унвонини кўлга киритганди. Энг қизи-

ди, олға қилинган ҳаракатлар самараси ўларок, у ўн бир метрик жарима тўпини қойилмақом тарзда бажариб, жамоадoshларини руҳлантириб юборди. Сал ўтмай ҳисоб 3:4 га етди. Ҳакамнинг учрашув туганлиги тўғрисидаги хуштаги чалинмаганида,

## ОТА ЎФИЛ

### Ўз сўзини айтди

қарли ва драматик учрашув эса Жанубий Корея билан кечган эдики, айнан ушбу ўйинда голиб чиққан жамоа финалда ҳам бош соврин соҳиби бўлиши башорат қилинганди. Не бахтки, омад юртдошларимизга кулиб боққан, галаба келтирувчи тўп эса Азамат Абдураимовнинг 40-45 метрлар чамаси узоқликдан берган зарбасидан сўнг рақиб дарвозаси тўрига бориб тушган эди.

Ушбу турда мухлислар кўпроқ меҳмонларнинг ва турнир жадвалида қуйи поғонада бораётган жамоаларнинг шиддатли ҳужумларига гувоҳлик қилишди. Хусусан, Термизнинг «Сурхон» клуби Чирчиқда «Кимёгар» меҳмони бўлган эса-да, 1:3 ҳисоби қайд этилди. Кези келганда бир нарсани қайд этмоқ лозим: тажрибали тренер Ахрор Иноятов мураббийлик қила бошлаган, командада аҳвол жиддий тарзда яхши томонга ўзгарди. Фақат бир гумон бор: улар кеч қолмади-ми эканлар?...

Ушанда бутун Ўзбекистон байрам қилганди. Шубҳасиз, ҳаммадан ҳам Азаматнинг отаси — узоқ йиллар ўзбек футболининг юлдузи бўлган, нуфузли Федотов клубининг аъзоси Биродар Абдураимов кўпроқ қувонган эди. Мана орадан етти йил ўтиб, Азамат ўзбек футболда ҳеч қим чикмаган чўққини биринчи бўлиб забт этди. У ўзининг мамлакат чемпионатининг 34-турида ўзининг биринчилик ва кубок ўйинларидаги киритган голлари сонини икки юзта (200 та)га етказди.

Ҳеч қутилмаганда аудсайдерлар сафиға яқинлашиб қолган «Бухоро» ўзи учун ўта муҳим матчида галаба қозониб, ҳавотирга тушиб қолган ўз мухлисларининг энгил нафас олишларига сабабчи бўлди. Нукусда кечган ўйинда Усмон Тошев шогирдлари «Турон» жамоасидан ҳар жиҳатдан устунлик қилди. Буни ҳисоб ҳам тасдиқлаб турибди — 1:3.

Шу куни гарчанд «Дўстлик» жамоасига кумуш медал соҳиби бўлиш учун жуда яқин турган «Насаф» клубига қарши ўйнаш анча оғир кечган эса-да, жамоа сардори Азамат Абдураимов ҳамон кучга тўла эканлигини намойиш эта олди. Тошкент вилояти командаси 1:4 ҳисобида ютказаятган бир пайтда ҳам тушқунликка тушма-

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Навбахор» — 2:1, «Трактор» — «Андижон» — 1:0, «Академия» — «Нефтчи» — 1:0, «Зарафшон» — «Қизилқум» — 0:0, «Металлург» — «Семурғ» — 6:0.


Чемпионат ҳал қилувчи паллага кирди. Бундан бу ёғига ҳар бир очко, ҳар бир киритган тўп олтинга тенгдир.

## АЖОЙИБ СПОРТ МАЖМУИ

Учқўрғон туманида янги спорт-соғломлаштириш маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда спортнинг ҳар қандай оммавий тури билан шуғулланиш мумкин.

Спорт-соғломлаштириш марказида каратэ, бокс, кураш залларидан ташқари баскетбол ва волейбол майдонлари, мини-футбол зали, шунингдек, теннис корти, шахмат-шашка клуби ҳам мавжуд. Курувчилар ушбу спорт марказини икки ой ичида бунёд этди.

Мазкур спорт-соғломлаштириш марказини фойдаланишга топшириш кунда Учқўрғон туманида ёшларга тааллуқли бўлган яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Туман марказида иктисодиёт касбхунар техника коллежини қайта таъмирлаш ўз ниҳоясига етди. Шунингдек, Қайки қишлоғида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш коллежининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



**Қува туман «Анор» халқ ашула ва рақс дастаси бир неча йилдан буйн элга хизмат қилиб келмоқда. Яқинда даста ижодкорлари бир неча хорижий давлатларда бўлиб, ўзларининг санъатларини намойиш этдилар.**

**Суратда: «Анор» рақсда қизлари.**

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

## Биласизми? СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Гана мамлакатининг табиати, иклими, ҳайвонот дунёси ўзига хос ажабтоғдир. Гана қакаога энг бой мамлакат эканлиги билан ҳам машхур. У қакао ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

«Кофе» сўзи эфиопиядаги Каффа деган вилоятининг номидан келиб чиққан. Бу вилоятда кофе ўсимлиги ўсади. У ердан кофе ўсимлиги Араб ярим оролига келтириб экилган. Европада кофе биринчи марта 1561 йилда келтирилган. Ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган апельсин мевасининг номи асли инглизча сўзлардан ташкил топган бўлиб, сўзма-сўз таржимада — апел-олма, син-чин (Хитой), яъни Хитой олмаси маъносини беради.

Шампан ичимлигини ким билмайди дейсиз? Лекин унинг номи қандай келиб чиққанлигини ҳамма ҳам билвермаска керак.

Бу ичимликнинг асли ватани Фарангистоннинг Шампан вилоятидир. Кейинчалик ушбу ном у ишлаб чиқариладиган ҳамма жойда сақланиб қолди. Бундан ташқари коньяк, бордо, кагор ичимликларининг номи ҳам худди шу номдаги шаҳарлар атамасидан келиб чиққан.

## Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда КОЛЛЕЖДА КИЧИК БОСМАХОНА

Бундан уч йил аввал Жиззах шаҳридаги 12-хунар-техника билим юрти базасида замонавий энгил саноат касбхунар коллежи ташкил этилган. Айни пайтда кўзни қувонтирадиган даражада қад ростлаган бу билим масканида 421 нафар талаба молия ва бухгалтерия агентлиги, тикувчи-тўқувчи, давлат автомобил назоратчиси, ҳуқуқшунослик йўналишларидаги гуруҳларда таҳсил олмақда. 65 нафардан ортиқ малакали ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари сабоқ бераётган коллежда ёшларнинг касбхунар сирларини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган ўқув хоналари, икки юз ўринли шинам ва озода ётоқхона, ошхона, кутубхона, сузиш ҳавзаси, спорт майдончалари талабалар ихтиёрида. Тикувчилик ва тўқувчилик касбини ўрганаётган ёшлар учун

25 та «ПРАФФ-Зингер» тикув машинаси, 4 та пайпоқ тўқиш аппарати, 4 та газлама, 2 та трикотаж тўқийдиган машина ўрин олган устaxonа фаолият кўрсатмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, талабалар яхши билим олишлари, касб

ни топмоқда. Шунингдек, мана икки йилдирики, шартнома асосида вилоят ўрта махсуи касбхунар коллежлари талабалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун формалар тайёрлаб берилмоқда. Тадбиркорлик ҳисобига топилаёт-

моқда. Сихатгоҳлар ва болалар оромгоҳларига йўлланмалар ҳам мунтазам равишда ажратилмоқда.

— Тадбиркорлик асосида йилга топилаётган 1 миллион 200 минг сўмлик маблағ коллежизмизни молиявий таъминлашни йилдан-йилга яхшиланиб боришига сабаб бўлмоқда, — дейди билим маскани раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Фарҳод Маматқулов. — Дарвоқе, яқинда Осиё тарққийёт банки 1 миллион АҚШ доллари миқдорда ҳоимийлик ёрдами ажратди. Бу маблағ ҳисобидан тадбиркорлик ишларимизни янада ривожлантириш, хусусан, кичик босмахона барпо этиш, замонавий компьютер аппаратлари сотиб олишни мўлжаллаб турибмиз.

Дарҳақиқат, коллеж жамоаси ўз олдиға улкан мақсадларни қўйган. Айни вақтда қўшимча маблағ топиш манбалари изланмоқда.

**Бўрибой НОРКУЛОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.



эгаллашлари учун мусаллаҳ маблағ эса талабалар ва коллеж жамоаси турмуш тарзини яхшилашга сарфланапти. Жумладан, ҳар бир ходимга ойига 2 минг сўмдан мукофот пули, 34 нафар боқувчиси йўқ талабага йилига икки мартадан 5 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатил-

**ISHONCH**  
Муассис:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

### Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 21.45

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетаға 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.